

## ОИЛА – РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ МАНЗИЛИ

ЖДПИ Умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

О.Р.Ўралова

**Аннотация:** Ушбу мақолада оила жамиятни ташкил этувчи асосий куч, жамиятнинг муҳим бўғини эканлиги. Жамият тараққиётида оила институтининг роли, оиладаги маънавий соғлом муҳит ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва осойишталик оила аъзоларининг камолотини таъминлашга бағишланади.

**Калит сўзлар:** Оила, меҳр, оқибат, алоқа, инсонпарварлик, миллий кадриятлар, муносабатлар, жамият, таълим, тарбия.

Оила – инсоннинг туғилишидан то умри поёнига қадар бўлган ҳаёт мазунини қамраб олган, таълим-тарбия, имон-этиқоднинг асосий пойдевори шакллантириладиган муқаддас маскан. Меҳр-оқибат ришталарини, одамийлик мезонларини, миллий кадриятларни эъзозлаб-авайлайдиган, келгуси авлодларга тўқис етиб боришини таъминлайдиган мўътабар даргоҳ. Инсон шахсияти, ўзлиги ва миллий онги оилавий муҳит, турмуш тарзи, оила аъзоларининг феъл-атвори, одоб-ахлоқи, яшаш маслаги, ўзаро муносабатлари таъсирида ва шуларга мувофиқ шаклланади, ривожланади. Зеро, улуғ мутафаккир Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” [А.Фитрат: 22].

Замонавий ўзгаришлар, янгиланишлар бевосита инсон ҳаёти, тафаккурига таъсир этар экан, бу ўз навбатида, оилада ҳам турли шакл ва мазмунда акс этиб боради. Шу боисдан узоқ ҳаётий тажрибага эга маърифатли кексалар ҳамиша оилавий анъана ва ахлоқий кадриятларни авайлаб-сақлашга, уларнинг бардавомлигини, барқарорлигини таъминлашга

ҳаракат қилиб келадилар. Ёш авлод, келажак насллари борасида каттик қайғуриб, уларга зарурий тарбия беришга интиладилар. Аммо тарбия масъуллари қанчалик исташмасин, уринишмасин, бугунги ривожланган техник имкониятлар, ахборот алмашинувнинг шакл ва усуллари нафақат ёшларни, балки кенг аҳоли қатламини ҳам ўз таъсирига тортиб, улар руҳиятида, дунёқарашида кескин бурилишларни, характер-хусусиятида турли товланишларни содир этмоқда. Бу ўз навбатида, оилавий, миллий, диний кадриятларга муносабатнинг ҳам заифлашишига олиб келмоқда.

Хусусан, биз кўп-да аҳамият бермайдиган, шунчаки ихтиёрий-одатий жараён деб қарайдиган меҳр-муҳаббат туйғуларини ривожлантириш билан боғлиқ ширинсўз, хушмуомалик, оила аъзоларига ётишдан аввал хайрли тун тилаш, тонгда уйғонда салом бериб, хайрли кун тилаш, чақирганда “лаббай” деб мурожаат қилиш, бирор нарса-буюмни ўнг қўлда “марҳамат” деб узатиш, “рахмат” деб қабул қилиш, миннатдорлик ва рағбатни ўз ўрнида кўрсатиш каби баъзи ҳаракат ва фазилатлар ҳам нафақат фарзанд, балки катталар тарбиясида ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, оила аъзоларининг бир дастурхон атрофида жамулжам бўлиб овқатлашинида ҳам халқимизга хос бир қанча ҳикматлар мужассам. Бундай жараёнлар оила аҳлини бирлаштиради, дилдан яқинлаштиради, овқатланиш давомидаги ўзаро суҳбатларда барчанинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари, эҳтиёжлари англашилади. Муаммоли вазиятларга ечим топилади, кўмак-тавсиялар берилади.

Дарҳақиқат, ўз оиласида кўллаб-қувватланган, яқинлари меҳр тафтини ҳис қилиб яшаётган шахсда ўзига ишонч, креативлик, куч-ғайрат, масъуллик ва фидойилик юқори бўлади. Меҳр олган инсонгина унинг қимматини ҳис қилади ва ўз навбатида, бу олий туйғуни бошқаларга улаша олади, оқибат кўрсата билади. Оила ана шу меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантирувчи, туташтирувчи, юксалтирувчи жўшқин булоқ, инсоннинг руҳий-жисмоний қувват манбаи. Ота-онасининг ўзаро меҳр-муҳаббатини, яқинларига нисбатан эзгу оқибатини кўриб улғайган қалб эгаси ҳеч қачон ёмонларга эргашмайди,

ёмонликни дўст тутмайди. Оила аъзоларинг бир-бирига нисбатан кўпол ва беписанд муносабати улғайиб келаётган нозик ва мурғак кўнгилларни синдиради, қаттиқлаштиради. Ўзганинг дарду ташвишини ҳис қилмайдиган, ўз манфаатларинигина устувор биладиган, худбин ва баджаҳл кимсага айлантиради.

Оила – жамиятни шакллантирувчи асосий куч, жамиятнинг муҳим бўғини. Жамият равнақи ёки таназзулида оила институтининг ўрни ниҳоятда катта. Оиладаги руҳий-маънавий соғлом муҳит, ижтимоий барқарорлик, тинчлик-хотиржамлик оила аъзолари камолотини таъминлайди, жамиятни ҳам таракқиёт сари юзлаштиради, мустаҳкамлайди. Бугун содир бўлаётган кўплаб оилавий ажримлар, можаролар, турли кўринишдаги жиноятлар, оқибатсизликларнинг туб илдизи, албатта, оилага бориб тақалади. Айрим ҳолларда, ҳатто, ота-оналарнинг ўзи ҳам тарбияга муҳтож эканлиги сезилади. Оилавий муносабатларда ота-онанинг, катталарнинг ўзини тутиши, муомаласи, кийиниши, деярли ҳар бир хатти-ҳаракати такрорийлиги боланинг онгу шуурида муҳрланиб қолади ва унда ҳам айна ҳолатлар кузатилади. Ўз яқинларига меҳрибон, дару кувончига шерик, оиладаги бурч ва масъулиятини чуқур англаб, амал қилиб келаётган отанинг ўғли ҳам бир кун келиб, ўз ота-онасини, ёр-биродарларини қадрлайди, мустаҳкам кўрғонининг мард ва олийжаноб посбонига айланади. Аксинча бўлса, бундай оила борган сари парокандаликка юз тутаверади. Маънавий-ахлоқий баркамол авлодни орзу қилган Абдулла Авлоний ҳам “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ – танани пок тутмоқ, ёш вақтидан маслақини тузатмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан сақлаб, ўстирмоқдир”, - дея уқтиради [А.Фитрат: 58].

Инсон ҳаёти болалиқдан то кексалиқкача ўзидан аввалгиларга тақлид қилиш жараёни билан кечади. Унинг асосий ўчоғи эса оила. Дунёга келган гўдак ўз ривожланиши, ўсиб-улғайиши давомида, дастлаб атрофида кечаю кундуз парвона бўлаётган ота-онасига тақлид қилади, уларнинг ўзига муносабатидан муайян ҳаракатлар ва муносабатларни ўзлаштириб боради.

Шунингдек, ушбу оилада истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар ҳам бола шахси камол топишида муайян даражада хисса қўшишади. Шундай экан, оиланинг ҳар бир аъзоси ўзини ёш авлод тарбиясига масъул ҳисоблаши, унинг учун тақлид манбаи эканлигини эътибордан қолдирмай, ўз ҳатти-ҳаракатлари, муомала-муносабати, феъл-атворини доимий назорат қилиб туриши, руҳий-жисмоний соғлом авлодни истар экан, бунинг учун аввало, ўзи айна шу даражага етган бўлиши, ибрат эканлигини унутмаслиги лозим. Ота-онанинг хулқ-одобида, атрофдагиларга, яқинларига муносабатида муайян камчиликлар, ўринсиз ҳаракатлар кўзга ташланиб турганда, у вояга етказаётган фарзанддан нимани кутиши мумкин? Бундай ота-оналар одоб-ахлоқли, фикр-мулоҳазали, маънавий тарбияли, етук фарзандни фақат орзу қила қолсинлар...

Шахс тарбияси ўта нозик ва мураккаб, кенг қамровли, узоқ давом этадиган жараён. У ҳар доим ҳам биз кутган натижани беравермайди. Ҳар бир шахс алоҳида индивид, бир-биридан бетакрор ижтимоий-биологик мавжудот. Унинг ўз руҳий ва жисмоний шаклланиш, ривожланиш манбалари, асослари мавжуд. Шундай экан, масъуллардан шахс тарбиясида ушбу жиҳатларни назарда тутишлари, ҳар бир тарбияланувчи учун хосликларни ажрата билишлари, ўзгаришларни ўз вақтида илғай олишлари ва тарбия усуллари шунга мос равишда қўллаб билишлари талаб қилинади. Биз ҳар қанча талабчан ва масъулиятли бўлмайлик, сўз ва қарорларимиз ҳатти-ҳаракатларимиз билан мувофиқ келмас экан, кўзлаган манзилларимиз олислашиб бораверади.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. — Т.: Ўқитувчи — 1992. — б.13.
2. Фитрат. Оила. — Т.: Маънавият — 1998. —б. 22, 58.
3. Эркин Юсупов. Инсонкамолотинингмаънавийасослари. -Т.: Университет. — 1998, — Б. 120.
4. M.N.Soibnazarova, O.A.Ganiev, O.R. Uralova, M.A.Tairov Teachers of Jizzakh Pedagogical Institute named after A.Kadiri Mahmudhoja Behbudi On The

Role Of Science And Enlightenment In Educating Young People Teachers of Jizzakh State Pedagogical Institute named after A.Kadiri

5.Munarova Rano Usarovna, Saparova Zamira Ibrahimovna, Yuldoshev Sardor Asliddin o'g'li, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. THE EDUCATION OF TALENTED STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-ISSN: 2455-3662,2019

6.Axmedova, S. (2019). FACTORS AND TRENDS OF ECONOMIC GROWTH. Экономика и социум, (10), 17-20.

7.Shagazatova, B. X., Mirkhaydarova, F. S., Artikova, D. M., Axmedova, F. S., & Kudratov, N. A. (2019). FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS. Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi, (1), 149-152.

8.Munarova Rano Usarovna, Rozikova Munzira Dodoevna Uralov Anvar Abdumalikovich, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. (2020). Possibilities Of Self-Education In The Manifestation Of Genius Personality. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3626-3631. Retrieved from <http://serisc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/25584>

9.Axmedova, S. (2022). TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5881>

10.Axmedova, S. (2022). МАКТАBLARDA O'QITISH TIZIMINING TA'LIM OLUVCHILAR YOSHI BILAN BOG'LIQLIGI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5879>

11.Axmedova, S. (2022). SAMARALI RAHBARLIKKA XOS XISLATLAR. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5102>